

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ШАЙДУЛЛАЕВА ГУЛЖАҲОН ШОПЎЛАТОВНА

ОКС ВА ХАРАППА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИНИНГ МАДАНИЙ
АЛОҚАЛАРИ

07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Шайдуллаева Гулжаҳон Шопўлатовна

Окс ва Хараппа цивилизацияларининг маданий алоқалари3

Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна

Культурные связи цивилизаций Окс и Хараппа26

Shaydullaeva Guljakhon Shapulatovna

Cultural ties of the Oxus and Harappan civilizations.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ШАЙДУЛЛАЕВА ГУЛЖАҲОН ШОПЎЛАТОВНА

**ОКС ВА ХАРАППА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИНИНГ МАДАНИЙ
АЛОҚАЛАРИ**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tar659 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.archaeology.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Бердимуродов Амриддин Эргашевич
тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Асқаров Аҳмадали Асқарович
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Мавлонов Ўктам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

ЎзР ФА Санъатшунослик институти

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100079, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй. Тел./факс: (99871)2337281, e-mail: uzarchae@academy.uz)

Диссертация билан Яҳё Фуломов номидаги Самарқанд археология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140151, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (99866)2321513).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Ш. Ширинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.М. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD

А.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тарихшуносликда халқларнинг маданий алоқалари ва цивилизациялар тарихини ўрганиш энг муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Қадимги Шарқда бронза даврида турли минтақаларнинг маданий алоқалари кенг ривожланганлиги моддий ва ёзма манбаларда ўз аксини топган. Дунёдаги турли илмий марказларда Марказий Осиё ва Ҳинд водийси бронза даври маданий алоқаларининг археология, антропология, лингвистика, диншунослик, санъатшунослик ва глиптика фанлари фанлари асосида кенг ўрганилиши натижасида савдо йўлларининг вужудга келиши (Лазурит йўли), ривожланиши, миграция жараёнлари, моддий маданиятдаги ўзаро ўхшашлик, диний ғояларнинг ёйилишига оид илмий янгиликлар фанга киритилмоқда. Марказий Осиё ва Ҳинд ярим ороли ўртасидаги алоқалар ўзаро маданий таъсир ёки экспансия натижаси эканлигини аниқлаш ҳозирги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Марказий Осиё археологиясининг XX асрнинг 70-йилларидан кейинги илмий ютуқлари натижасида бронза даврига оид Гонур, Аджикуи, Даштли, Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ каби ёдгорликлар фанга киритилди. Ушбу археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши натижасида бронза даврида Жанубий Ўзбекистонда ўтроқ деҳқончилик маданияти, илк шаҳарсозлик, илк давлатчилик вужудга келганлиги исботланди. Окс цивилизацияси Кичик Осиё, Месопотамия, Эрон платоси, Ҳинд ярим ороли ва Евроосиё даштлари билан маданий алоқалар олиб борганлиги моддий маданият намуналари билан асосланмоқда. Марказий Осиё ва Ҳинд ярим ороли бронза даври аҳолиси ўртасида маданий алоқалар Хараппа маданиятининг Бақтрияда турли омилларга кўра (маъданлар, деҳқонлик учун янги ҳудудларга эҳтиёж) янги фактория – Шўртўқайга асос солиши, натижада Бақтрия лазуритининг Қадимги Шарқда кенг тарқалиб, Лазурит йўлининг шаклланишида муҳим ўрин тутганлиги каби масалалар тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Республикамизда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида ўзаро маданий алоқалар, савдо йўлларининг ривожланишига, шунингдек, кўшни минтақалар билан дўстона муносабатлар юритилишига улкан имкониятлар тақдим этмоқда. “Эрамиздан аввалги III – II асрларда ҳинд заминини Марказий Осиё билан Буюк Ҳиндистон йўли боғлагани яхши маълум. Бугун ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Биз Трансафғон темир йўли лойиҳасини муҳокама қиляпмиз. Истикболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради”¹. Бу ўз навбатида Марказий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммити нуткидан. [Электрон ресурс] <https://president.uz/uz/lists/view/2254>

Осиёнинг қадимдан турли минтақалар билан маданий ва савдо алоқаларини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сонли “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорларида ҳамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика Фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўрта Осиё ҳамда қадимги Ҳиндистон ўртасида энеолит ва бронза даврида кечган маданий ва иқтисодий алоқалар масаласи археологик маълумотлар асосида XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб ўрганилиб келинмоқда. Шу даврга оид Жанубий Туркманистондан топилган археологик манбалар дастлаб В.М. Массоннинг мақолаларида ёритилган². У Бактрия ва Марғиёнанинг Қадимги Шарқ халқлари билан ўрнатган маданий алоқаларига баҳо берар экан, Эламга нисбатан Қадимги Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлган, деган хулосага келган. А.Я. Щетенко асарларида эса Ўрта Осиё ва Ҳинд водийси аҳолиси ўртасида бронза давридаги савдо муносабатлари ва алоқа йўллари муаммоси кўриб чиқилган³.

XX асрнинг 70-80 йиллари Бактрия ва Марғиёна ҳудудларида қадимги деҳқончилик ёдгорликларининг кенг тадқиқ этилиши натижасида⁴ мазкур мавзунинг ўрганилишда янги босқич бошланиб, халқаро илмий аҳамият касб этган⁵. А.А. Асқаров, В.И. Сарияниди, И.С. Масимов, Т.Ш. Ширинов ҳамда франциялик археологлар Ж.К. Гарден, Б. Лионе, А.-П. Франкфорт,

²Массон В.М. Древнеземледельческие племена Южного Туркменистана и их связи с Ираном и Индией // ВДИ. №1. – М., 1957; Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депа // ВДИ. №4. – М., 1977. – С. 146-155.

³Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалу Туркменистано-Харапских параллелей // КСИИМК. Вып. 122. – М., 1970. – С. 59-62; Щетенко А.Я. Обмен и торговля доисторического Индостана // КСИИМК. Вып. 138, – М., 1974. – С. 38-43.

⁴Асқаров А. Сапаллитепа. – Ташкент. 1973. – 172 с; Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса. // Древняя Бактрия. – М. Наука. 1976. – С. 21-86; Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М. Наука. – 170 с; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба. // СА. №1. – М., 1979, – С. 111-131; Gardin J.-C., Lionnet B. La prospection archeologique de la Bactriane Orientale (1974-1978) premiers resultats // Mesopotamia. 1978-1979. Vol. XIII-XIV. – Pp. 99-154.

⁵L'archeologie de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – Pp. 99-154.

М.Г.Поттиер нашрларида Бактрия ва Марғиёна ҳудудларининг ўзлаштирилиши ва ташқи алоқаларининг муҳим жиҳатлари ёритилган⁶.

Е.Е. Кузьмина Свата дарёси воҳасидаги қадимий ҳинд маданиятининг бронза даври Шимолий Бактрия билан алоқалари ҳақида ёзган бўлса⁷, А.-П. Франкфорт Шўртўқай мисолида Хараппа анъаналари ва Бактрия маданий инновациялари масаласини илгари сурган⁸. В.И. Сарияниди Бактрия-Марғиёна археология мажмуаси ва Балужистон моддий манбаларини қиёслаб, улар ўртасидаги маданий яқинлик хусусиятларини аниқлаган⁹.

Окс цивилизациясининг Мурғоб воҳасидан Марғиёна ва Хараппа маданиятлари ўртасида маданий алоқалар масаласини ёритишга доир бронза даври ёдгорликларидан кўплаб моддий маданият намуналари топилган¹⁰. Мутахассисларга бу материаллар лазурит йўли тармоқлари ҳақида фикр юритишларига имкон беради¹¹.

Шарқий Бактрия ҳудудида Шўртўқай ёдгорлигининг очилиши Хараппа маданиятининг таъсир доираси шимол томон кенгайиб борганлиги ҳақида далолат беради. Бу ёдгорлик Хараппа маданияти аҳолиси томонидан бунёд этилган, вақт ўтиши мобайнида маҳаллий аҳоли гуруҳлари билан қоришиб кетган. А.-П.Франкфортнинг фикрича, Шўртўқай хараппаликларнинг лазурит йўлидаги савдо форпостидир¹².

А.А.Аскарлов Сополли маданияти хронологиясини ва даврлаштириш масаласида кўзали босқичининг пайдо бўлишини бевосита Хараппа маданиятининг таъсири деб баҳолайди¹³.

Жарқўтон саройи ўрганилиши муносабати билан унинг меъморий тарҳлари Хараппа маданиятининг Калибанган ёдгорлиги меъморчилигига яқинлиги Т.Ш. Ширинов томонидан эътироф этилган¹⁴.

Намозгоҳ ва Сополли маданиятлари ёдгорликларидан топилган Хараппа маданиятига хос фил суягидан ясалган ашёлар, жумладан муҳрлар ва муҳрларда ифодаланган хараппа ёзувлари, фаянс таркибли кичик идишлар, “*ripal*” ўсимлиги тасвирланган сополлар, фил ва маймун тасвири шаклида

⁶Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Ташкент, 1977; Масимов И.С. К вопросу об освоении низовий Мургаба древнеземледельческими племенами // Известия АН ТуркмССР. Вып.2. 1979. – С. 72-77; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М., 1992; Francfort H.-P., Pottier M.-H. Sondage preliminaire sur L’etablissement protohistorique harapeen et post harapeen de Shortuhai // Arts Asiatiques. Vol. XXXIV. 1978. – Pp. 29-86.

⁷Кузьмина Е.Е. Культура Свата и ее связи с Северной Бактрией // КСИА. Вып.132, – М., 1972, – С. 116-121.

⁸Francfort H.-P. Tradition harapeenne et innovation bactrienne a’Shortughai // L’Archeologique de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – P. 95-104.

⁹Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990. – С. 84-89.

¹⁰Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока). ВДИ, №4. 1977; Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций. Древний Восток и античный мир. – М., 1980.

¹¹Сарияниди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. 1968, Вып.114. – С. 3-9.

¹²Francfort H.-P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L’Asie Central protohistoriques. V.I.II. – Paris: Boccard, 1989.

¹³Аскарлов А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном. Древние культуры Средней Азии и Индии. – Ташкент, 1984.

¹⁴Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс.лет до н.э.) // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО, – Ташкент, 1990.

ишланган терракота ҳайкалчалар ҳақида археологик адабиётларда маълумотлар келтирилган¹⁵.

Бронза даврида Хараппа маданиятининг жуда кенг ҳудудларда тарқалиши олимларга “Хараппа маданий ва иқтисодий бирлиги” назариясининг пайдо бўлишига имкон берган ва бу бирликка Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари ҳам киритилган¹⁶. Бироқ, “Хараппа маданий ва иқтисодий бирлиги” назарияси ғоясига Окс цивилизацияси этник бирлигини киритилиши аниқ исбот талаб далилларни келтирилишини талаб этади.

Шунингдек, XXI асрнинг бошларига келиб, Қадимги Ҳиндистон ва Ўрта Осиё маданий алоқалари масаласи муҳим аҳамият касб этди. 2000 йилда Тошкентда ўтказилган халқаро конференциядаги В.М. Массон, Т.Ш. Ширинов, А.С. Сагдуллаев, М.И. Филанович маърузаларида Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги маданий, иқтисодий алоқалар хусусиятлари, илк алоқа – савдо йўллариининг шаклланиши мавзулари ўз аксини топди¹⁷. Шунинг таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё ва Қадимги Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқаларни ўрганиш масаласига бағишланган илмий конференцияси 2008 йилда ҳам ўтказилган¹⁸.

Қадимги Шарқнинг икки цивилизация марказлари ўртасидаги маданий алоқаларга бағишланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, маданий алоқалар гўёки бир томонлама, яъни Хараппанинг Бактрияга ва Марғиёнага маданий таъсири кўринишида ёритилган. Акс таъсир масаласи эса илмий адабиётларда қараб чиқилмаган. Ўзаро алоқаларнинг ижтимоий кўриниши ҳам шунга монанд, яъни “экспансия” каби ҳарбий иборалар билан ёритилганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда икки минтақа моддий маданияти намуналарини кенг миқёсда ўрганиб, маданий алоқаларни кенг ёритишни талаб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Миллий археология марказида ишланган “Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи қадимги тош, илк металллар ва антик даврлари ёдгорликларини тизимли тадқиқот этиш ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихий мероси объектларини сақлаш” (ФА-Ф-1-001) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Окс ва Хараппа цивилизациялари маданий алоқаларини акс эттирувчи моддий маданият намуналари, “Авеста” ҳамда “Ригведа” ёзма манбалари асосида икки минтақа ўртасида кечган маданий алоқаларнинг ижтимоий характерини очиб беришдан иборат.

¹⁵Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // КСИА, Вып. 14. 1968; Сарианиди В.И., Бороффа Н.О., Дубова Н.А. Культурные контакты Маргианы (Туркменистан) в III тыс. до н.э. Новые данные по Гонур-депе (погребение № 4150) // Труды Маргианской археологической экспедиции. Том 5. Исследования Гонур Депа в 2011-2013 гг. – М.: Старый сад, 2014. – 256 с.

¹⁶Lyonnet V. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospectiones archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes La direction de Jean-Claude Gardin. V.2). – Paris, 1997. – P. 192.

¹⁷Индия и Центральная Азия (до мусульманский период). – Ташкент, 2000. – С. 7-21; – С. 113-128.

¹⁸Диалог Центральная Азия – Индия. Построение партнерства на основе богатого культурного и исторического наследия (Ташкент, 14-15 март, 2008). – Т., 2008. – 314 с.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Окс ва Хараппа цивилизациялари ўртасидаги маданий алоқаларни ашъвий манбалар асосида ўрганиш;

икки цивилизация ўртасида кечган иқтисодий, маданий, савдо алоқаларининг ижтимоий характерини моддий маданият манбалари мисолида ўрганиш;

маданий алоқалар натижасида кечган этник ва этномаданий қоришувлар, диний қарашлардаги эволюцион таракқиёт, ўзаро маданий таъсир жараёнларини ўрганиш ва тарихий таҳлил этиш;

Қадимги Ҳиндистон ва Амударё ҳавзалари ўртасида таркиб топган “Лазурит йўли”нинг бошланиш даври, йўналишлари ва унинг тармоқларини аниқлаш;

Хараппа маданиятидан Ўрта Осиёнинг жанубий районларига кириб келган маҳсулотларнинг турлари ва айирбошлаш усулларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Ўзбекистоннинг бронза даврига оид Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Тиллабулоқ, Шимолий Афғонистондаги Даштли, Мурғоб воҳасининг Тохирбой 3, Гонур, Эрон худудидаги Шаҳдод, Гиян, Хисор, Хараппа маданиятининг Меҳи, Мергар, Сибри, Хараппа, Лотхал, Мохенжо Даро, Чанху Даро, Хуроб, Кулли каби ёдгорликлари ва улардан топилган археология топилмалар, мавзуга бағишланган тарихий тадқиқотлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Окс ва Хараппа цивилизациялари ўртасида кечган маданий алоқаларнинг ижтимоий характерини ўрганиш мазкур диссертациянинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда Окс ва Хараппа цивилизацияларига оид маълумотлар тизимлаштирилди, икки цивилизацияга характерли бўлган археологик манбалар қиёсланди, танқидий таҳлил, хронологик изчиллик ҳамда муаммовий ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Окс цивилизациясига хос сопол, металл ва тошдан ясалган моддий маданият ашёлари Хараппа маданиятининг Мергар, Мохенжо Даро, Чанху Даро, Калибанган каби кўплаб ёдгорликларида кенг тарқалганлиги қиёсий таққослаш орқали очиб берилган;

Ўрта Осиёдан Ҳинд водийсига фақат табиий бойликлар (Бадахшон ложувардлари, Кармана метали, Шеробод ош тузи) олиб борилмаганлиги, балки Окс цивилизациясининг нодир металл буюмлари, хунармандчилик маҳсулотлари савдо алоқаларининг асосини ташкил этганлиги исботланган;

Амударё ҳавзасида Шўртўқай ёдгорлигининг вужудга келиш сабаби Бадахшон ложуварди маконини эгаллаш билан боғлиқ экспансия сиёсати эмас, балки аҳолининг деҳқончиликка қулай бўлган ерларни ўзлаштириш бўлганлиги асосланган;

Балужистоннинг Мергар ёдгорлигидан Окс цивилизациясига хос моддий маданият ашёларнинг кўплаб учраши асосида қадимда бу шаҳар икки цивилизацияларни боғловчи марказ эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

архологик манбалар Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихини ёритишда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

илмий хулосалар “Қадимги Бақтрия – Ҳиндистон оша саёҳат” йўналишида илмий туризмни ташкил этишга хизмат қилган ҳамда Сурхон воҳасида “Ёшлар туризми”ни ривожлантиришга ва “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури ижросини таъминлашга ҳиссасини қўшган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда илгари сурилган асосий ғоялар Қадимги Бақтрия, Қадимги Марғиёна ва Қадимги Ҳиндистон ҳудудларида жойлашган археологик ёдгорликларда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига, “Авеста” ва “Ригведа” маълумотларига таянилганлиги, Окс ва Хараппа цивилизацияларига оид илмий тадқиқот ишларига танқидий ёндашилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп жилдли “Ўзбекистон тарихи”нинг бронза даврига оид бобларни ёзишда, моддий маданиятини ёритишда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қадимги даврлар тарихи, маданий ва савдо алоқалар тарихи тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўташи, бундан ташқари, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Окс ва Хараппа цивилизацияларининг маданий алоқалари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Окс цивилизациясига хос моддий маданият ашёларининг Хараппа маданияти ёдгорликларида кенг тарқалганлиги, Окс ва Хараппа цивилизациясида аниқланган маданий алоқаларни акс эттирувчи моддий топилмалар асосида ҳудудлар орасидаги алоқалар тенг ўрнатилганлиги ҳақидаги маълумотлар Сурхондарё вилоятида тарихий ва археология туризмни тарғиб қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 05 октябрдаги 02-16-4616-сон маълумотномаси). Натижада Сурхон воҳасидаги бронза даврига оид ёдгорликларда археологик туризм йўналишида экскурсияларнинг оширилишига эришилган.

Ўрта Осиёдан Ҳинд водийси ёдгорликларига нафақат хомашё кўринишидаги маҳсулотлар (Бадахшон ложуварди, Кармана метали, Шеробод ош тузи), балки, тайёр маҳсулот кўринишидаги (торевтика буюмлари, хунармандчилик маҳсулотлари) товарлар олиб борилганлиги, Амударё

ҳавзасида Хараппага хос Шўртўқай ёдгорлигининг вужудга келишининг асосий сабаби Бадахшон ложувардининг ўзлаштиришига бўлган экспансия эмас, балки, аҳолининг деҳқончиликка қулай бўлган ерларни эгаллаш сиёсати эканлигига оид маълумотлар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали “Тақдимот” кўрсатувида намойиш этилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 январдаги 02-10-03-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларда Марказий Осиё бронза даври маданий алоқлари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлари ҳақида кенг тушунча ҳосил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та илмий анжуман ва семинарларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 151 бет, унга 30 та иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Қадимги Шарқ бирламчи цивилизациялари тизимида Окс цивилизациясининг таркиб топиши» деб аталиб у 4 та параграфдан иборат. Биринчи параграфда Ўзбекистон ҳудудидан топилган Қадимги Шарқ маданиятларига оид манбалар ёритилган (Сўх амулети, Хак ва Афлатун топилмалари, Зарафшон цилиндр шаклли муҳри, «ripal» дарахти тасвирланган Жарқўтон фаянси, фил суягидан ясалган предметлар, Қадимги Шарқ халқларига хос бўлган, Ўрта Осиёнинг кўплаб бронза даври ёдгорликларидан топилаётган қадок тошлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Булар Ўрта Осиё халқларининг Қадимги Шарқ цивилизацияси аҳолиси билан маданий алоқалари ҳақидаги ашёвий манбалар ҳисобланади. Улар кўпроқ илоҳийликка, диний қарашларга даҳлдор эканлиги билан характерланади.

Иккинчи параграф Хараппа маданиятининг Бақтрияда жойлашган Шўртўқай ёдгорлигига бағишланган. Ёдгорлик тадқиқотчиси А.-П.

Франкфортнинг фикрига кўра Шўртўқай Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости бўлиб, ложувард йўлидаги савдо колонияси манзилгоҳидир¹⁹. Стратиграфик жihatдан ёдгорликнинг икки даври мавжуд. Биринчиси, Хараппа маданияти аҳолисининг ёдгорликни ўзлаштирилиши билан, иккинчи давр эса маҳаллий халқлар фаолиятининг ошиши билан характерланади. Бир томонлама қараганда тадқиқотчилар ҳақдек кўринади, негаки Бадахшон ложувард кони ва Шўртўқай ёдгорлиги битта тарихий минтақада жойлашган. Қадимги Ҳиндистондан кўчиб келган аҳоли айнан ложувард кони учун келгандек кўринади. Аммо, археология фани иш услуби асосида хулоса қиладиган бўлсак, тарихий жараёнлар бундай кечмаганлиги ойдинлашади. Биринчидан, Шўртўқай ёдгорлигидан ниҳоятда кам, бир ёки иккита ложуварддан ясалган тақинчоқлар топилган. Иккинчидан, ложувард минерал, яъни ёмби ҳолатда топилмаган, ҳаттоки кукунлари ҳам учрамаган. Тадқиқотчиларнинг «Шўртўқай – Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости» деган хулосаси битта аргументга, яъни ёдгорликнинг ложувард маконига яқин жойлашганлигига асосланган, ҳолос.

Археологик манбалар Шўртўқай ёдгорлигининг пайдо бўлиши хараппаликларнинг янги деҳқончилик ўлкаларини ўзлаштириш сиёсати, яъни фаолияти билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бу фикрни ёдгорликнинг жойлашган географик ўрни тўлиқ тасдиқлайди, яъни ёдгорлик деҳқончиликка энг қулай бўлган Панж ва Кўкча дарёларининг қўшилиш жойи – Амударёнинг ўзанида бунёд этилган. Иккинчидан, Амударёнинг юқори оқими ҳудудлари маҳаллий Сополли ёки Даштли маданиятлари вакиллари томонидан ўзлаштирилмаган, бўз ерлар эди, учинчидан Панж ва Кўкча дарёларидан ариқ ва каналлар қазилиб, сунъий суғориш тизимига асос солинган. Шўртўқай ирригация тизими бронза даври учун энг ривожланган усул бўлиб, Марказий Осиёда «йирик дарё сувларининг одамлар томонидан бўйсиндирилиши» деб баҳоланса, хараппаликларнинг ирригация соҳасида эришган ютуқларига тўғри баҳо берилган бўлади.

Учинчи параграф **«Окс цивилизацияси ва унинг географик ёйилиши»** деб аталади. Унда Ўрта Осиё археологиясининг ХХ асрдаги энг йирик ютуқларидан бири, бронза даврига оид Намозгоҳ²⁰, Сополли²¹, Даштли²² маданиятларининг кашф этилиши ва уларга нисбатан «Окс цивилизацияси» ёки «БМАК» ибораларининг қўлланилаётгани ёритилган²³.

Мил. авв. III минг йиллик сўнггида Бактрия ва Марғиёнада мазкур цивилизация шаклланган, II минг йиллик давомида унинг буюк тарихий даври

¹⁹Frangfort H.-P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.II. – Paris: Boccard, 1989.

²⁰Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. – 171 с; Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. – М.: Наука, 1976. – С. 21-86; Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. – 279 с.

²¹Аскарлов А.А. Сапаллитепа. – Ташкент, 1973. – С. 12-41; Аскарлов А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций). Дисс. д.и.н. – М., 1976. – С.10; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977. – С. 36-38.

²²Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977.

²³Сарияниди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М., 2001.

бошланган ва ниҳоятда кенг ҳудудга, Шарқий Афғонистон, Балужистон, Шарқий Эрон, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига тарқалган. Бу цивилизация умумлашган моддий маданият белгилари ҳамда шимолдан янги этник гуруҳларнинг, яъни Андроново маданиятининг қўшилиб туриши ва жануб томон кенгайиб бориши билан характерланади.

Мазкур диссертацияда Окс цивилизацияси учун энг характерли бўлган «илк умумлашган жамоа» иборасини қўллашни таклиф этилди. Таърифланганидек, бу цивилизация аҳолисига ижодкорлик хусусияти характерли бўлиб, Марказий Осиё халқлари тарихидаги энг катта ижтимоий воқеликларга, моддий маданиятнинг жуда қўплаб турларига, янги техника ва технологияларга асос солган. Унинг синфий дифференциялашган аҳолиси марказлашган динга, илк шаҳар маданиятига, давлатчиликка асос солиш билан бирга хунармандчилик соҳасида, айниқса айланма механикага асос солиб, кулолчилик чарҳида ишланган идишларни икки ярусли хумдонларда пишириш технологияларини йўлга қўйишган, меъморчилик соҳасини санъат даражасига кўтариб, симметрия ва фортификацияда лабиринт тизимини жорий қилган, халқаро алоқалар тизимига, илк марта ҳайвон кучидан фойдаланиб ерга ишлов беришни қўлаган аждодларимиз ҳисобланади.

Биринчи бобнинг якунловчи, тўртинчи параграфи «**Қадимги Ҳиндистон ва Окс цивилизацияси ўртасидаги алоқа - савдо йўллари**» деб аталади. Бадахшон лаълининг Қадимги Шарққа тарқалиш йўли энг қадимги савдо йўли сифатида фанга кирган ва у турлича номлар билан аталади. Г.Херманнинг ўтган асрнинг олтинчи йилларидаги фикрига кўра Бадахшон лаъл кони Шарқ дунёсида ягоналиги билан характерланган ва лаъл Буюк Хуросон йўли орқали тарқалган²⁴. Сўнгги вақтда ложувард маъдани кони Покистон (Чағай), Тожикистон (Помир) ҳудудларида ҳам аниқланди²⁵, демак ложувард кони фақат Бадахшонда бўлмаган. Шундай бўлгандан кейин Бадахшондан бошланган ложувард йўли йўналишларини ўйлаб кўриш, ложувардларнинг химик таркибини аниқлагандан кейингина йўналишлар, йўллар тўғрисида гапириш лозим бўлади. Бу маълумотлар Бадахшондан бошланган қадимги ложувард йўлининг аҳамиятини зинҳор туширмайди, балки йўлларнинг тўғри йўналишларини аниқлашда ёрдам беради.

А.Я. Щетенконинг изланишлари бўйича Ўрта Осиё маъданлари Қадимги Шарқ шаҳарларига иккита йўл орқали тарқалган, биринчиси қуруқлик ва иккинчиси сув йўллари дур. Сув йўли Лотхалдан икки дарё оралиғи шаҳарларига, қуруқлик йўли эса Жанубий Балужистон орқали ўтган²⁶. А.Я. Щетенко қуруқлик йўлини қуйидагича тасаввур этади: Копетдоғ – Кўҳи бобо тоғи – Ҳирот – Қабул – Хайбар довони – Хараппа шаҳарлари. В.М. Массон Олтиндепе – Мохенжо-Доро йўлини таклиф этган²⁷. Археологик манбалар

²⁴Herrmann G. Lapis Lazuli the Early Phase of Trade. – Iraq, v.30, 1968.

²⁵Delmas A.B, Cazanova M. The Lapis Lazuli Sources in the Ancient East. – South Asian Archaeology 1987. P 1. Rome, 1990.

²⁶Щетенко А.Я. Первобытний Индостон. Ленинград, «Наука», 1979.

²⁷Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., 1962, Сарияниди В.И. О великом лазиритовом пути на древнем Востоке // КСИА. Вып. 114. – М., 1968.

Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ халқлари ўртасидаги маданий ва савдо алоқалар илк бронза давридан бошланганлигини кўрсатади.

Ў.М. Мавлонов бронза даври йўлларини маҳаллий, минтақавий ва трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган йўлларга ажратган²⁸. Кейинги вақтда тадқиқотчилар бронза даври маданиятлари ўртасидаги алоқаларни маданиятлараро тарқалган хлорид тошдан, гипсдан ясалган ашёлар ёрдамида ҳам аниқлашмоқда. Бугунги кунгача Месопотамиядан то Ҳинд ўлкасигача бўлган 30 та ёдгорликдан, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг бронза даврига оид деярли барча ёдгорликларидан шундай ашёлар топилган. Бу идишлар шакллари ва уларда ифодаланган тасвирларнинг бир-бирига яқинлиги билан характерланади²⁹.

Археологик ёдгорликларни районлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, Панж воҳасидан бошланган лал йўли Жанубий Тожикистон (Макони Мор, Каримберди), Жанубий Ўзбекистон (Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Мўлали), Жанубий Туркманистон (Тўғалоқ, Гонур), Балужистон орқали Ҳиндистонга ўтган. Ундан ташқари Қадимги Ҳинд цивилизацияси намаёндалари Панж воҳасига келиши учун Ҳиндикушнинг юқори доволари орқали, тоғ йўллардан ўтганлиги ҳам таъкидланмоқда. Қадимги йўллар йўналишларини аниқлашда бизнинг хулосамиз шундайки, фақат лаъл маъдани эмас, балки барча маданиятлараро тарқалган моддий маданият ашёлари ёрдамида, яъни муаммога комплекс ёндашган ҳолда масалага ойдинлик киритиш лозим.

II-боб «Хараппа ва Окс цивилизациялари маданий алоқалари бўйича археологик манбалар» деб номланади. Мазкур боб олти параграфдан иборат бўлиб, аввал Хараппанинг Бақтрия ва Марғиёна моддий маданиятига, сўнгра Окснинг акс таъсири масалалари археологик манбалар асосида кўрсатиб берилган.

Биринчи параграфнинг бошланишида А.А. Асқаровнинг кулолчилик³⁰ ва Т.Ш. Шириновнинг меъморчилик³¹ соҳаларида Сополли ва Хараппа маданиятларининг алоқалари бўйича бажарилган изланишларига характеристика берилган. Ундан кейин сўнгги 30 йил ичида Жарқўтон ёдгорлигида қўлга киритилган Хараппа маданиятиги хос моддий маданият ашёлари ёритилган (фил суягидан ясалган предметлар, фил тасвирланган терракот ҳайкалчалар, шиша таркибли сир билан қопланган идишлар, Ҳиндистон ҳудудига хос бўлган «*piral*» ўсимлиги тасвирланган буюмлар, «буйрак» шаклли митти идишлар, цилиндр шаклли муҳрлар). Муаллиф Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган манбалар асосида икки маданият ўртасидаги алоқалар хусусида қуйидаги фикрга келган: алоқалар экспансия характерида кечмаган, балки маданий алоқалар руҳида, оддий савдо

²⁸Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. “Akademiya”, – Тошкент, 2008. 432 бет.

²⁹Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. – L., 1977. – P. 39-40.

³⁰Асқаров А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Ташкент, 1984. – С. 87-97.

³¹Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии ... – С. 34-39.

конуниятлари асосида олиб борилган. Агар бу алоқалар экспансия ёки уруш ҳолатида бўлганда эди, ёдгорликларда маданиятга оид ашёлардан кўра ҳарбий соҳага оид археологик топилмаларнинг устиворлиги сезилган бўлар эди. Калибанган ва Жарқўтон саройлари қурилишидаги умумий ўхшашликлар, меъморий ечимдаги параллелликлар бу алоқаларнинг кульминацияси, меъморий анъаналарнинг симбиози кечганлигидан далолатдир.

Қадимги Ҳиндистон ва Марғиёна ўртасидаги алоқаларнинг умумий характеристикаси шундан иборатки, икки регионда ҳам илк деҳқончилик маданиятлари шаклланган ҳамда илк шаҳар маданиятига асос солинган. Бу ҳудудларга тарихий тараққиётнинг нотекис ривожланиш қонунияти характерли эканлигини Жанубий Туркменистон ва Ҳиндистон ёдгорликларининг тадқиқотчилари В.М. Массон ва Б. Суббарао таъкидлаб ўтишган³².

Бақтриядан фарқлиўлароқ бу минтақаларнинг алоқалари жуда қадимга, энеолит даврига, Геоксур ва Балужистон алоқаларига бориб тақалади. В.М. Массон Олтиндепе ва Хараппа маданиятини таққослаб, жанубий туркменистонликлар Эронга нисбатан қадимги ҳиндистонликлар билан кўпроқ маданий мулоқатда бўлган деб ҳисоблайди.

Албатта, икки ҳудуд ўртасида доимий ривожланиб борган халқаро алоқалар давомида товар алмашиш усули бош вазифани бажарган. Иккинчи жиҳатдан, аҳолининг гуруҳ-гуруҳ бўлиб, этник кўчиш ҳоллари ҳам юз берган. Илк давлатлар шакллангандан сўнг эса бу алоқалар сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тартибга туширилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдики, шу вақтгача тадқиқотчилар Хараппа маданиятининг Бақтрия ёки Марғиёнага маданий таъсири масаласи билан шуғулланиб келишган, акс таъсир масаласи билан шуғулланишмаган. Бу ҳолат масалага бир томонлама ёндашиш бўлиб, тарихий ва маданий жараёнлар бўйича тўғри хулосалар олинмайди. Натижада, тадқиқотларда Хараппа маданиятининг шарққа маданий таъсири кўрсатилган, холос. Мазкур бобнинг кейинги параграфларида Окс цивилизациясига хос моддий маданият ашёларининг Хараппа маданияти ёдгорликларига тарқалиш масаласига қаратилган. Иккинчи параграф **«Ҳинд водийсидан топилган Окс цивилизацияси сопол идишлари»** деб номланди. Окс цивилизацияси кулолчилигига хос бўлган ашёлар Хараппа маданиятининг Мехи, Мергар, Сибри, Хараппа, Лотхал, Мохенжо Даро, Чанху Даро, Хуроб каби ёдгорликларида тарқалганлиги кузатилди. Эслаб ўтилган ёдгорликларда, жами 42 та бутун сопол идишлар қайд этилган бўлиб, улар Окс цивилизацияси кулолчилиги намуналари билан бир хиллиги билан характерланади. Бу топилмалар Сополли маданиятининг бежирим кулолчилик намуналари Қадимги Ҳиндистоннинг энг ривожланган маданият ва хунармандчилик марказлари, хаттоки энг йирик шаҳар марказларигача тарқалганлигини

³²Subbarao V. The Personality of India. Roma, 1958; Массон В.М. Культурно-исторические зоны древней Индии // Индия в древности. – М., 1964.

кўрсатмоқда³³. Диссертацияда ҳар бир сопол буюмнинг топилган жойи, маданий қатлами, кўламлари, вақти, чоп этилган адабиёти ва расми (чизмаси) ифодаланган жадвал тузилди. Хараппа маданияти тадқиқотчилари ўзларининг монография ва мақолаларида Окс цивилизациясига хос бўлган, бутун идишларни чоп этишган. Келтирилган адабиётларнинг жуда кўпларида бу сопол буюмларнинг Бактрия ёки Марғиёнага хослиги ҳақида маълумотлар ҳам келтирилмаган.

Учинчи параграф Хараппа маданияти ёдгорликларида қайд этилган айнан Бактрия ва Марғиёнага хос бўлган металл буюмларга бағишланган. Уларнинг умумий сони 19 та бўлиб, Кветти ёдгорлигида 3 та олтин ва 1 та бронза, Мохенжо Дарода 7 та, Хуробда 3 та, 1 тадан бронзадан ясалган ашёлар Чанху Даро, Шахи, Хараппа, Мергар, Мехи ёдгорликларида қайд этилган³⁴. Топилмалар асосан сополли ва жарқўтон, фақат олтиндан ясалган ваза эса мўлали даврига монанд.

Олтин буюмлар ҳўкиз тасвирли ва ваза шаклли бўлса, бронзадан ясалган идишлар цилиндро-коник ва ваза кўринишда, қуроллар эса бир ва икки тигли ханжар, бир тигли пичоқ, пайкондан иборат бўлиб, ойналар ҳам мавжуд. Мохенжо Даро ёдгорлигидан кўплаб Сополли маданиятига хос металл буюмларнинг топилиши, айниқса уларнинг икки тигли ханжар (4 та) ёки ойна (3 та) эканлиги диққатга молик.

Сополли ва Хараппа маданиятларининг металлдан ясалган предметларини таққослаш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, биринчидан, Сополли металлсозлик анъаналарининг жанубга маданий таъсири бўлган. Иккинчидан, алоқалар бир томонлама, яъни Қадимги Ҳиндистон ва Балужистоннинг Бактрияга ёки Марғиёнага маъданий таъсири доирасида эмас, балки икки томонлама – «таъсир» ва «акс таъсир» характерида бўлган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфи **«Окс цивилизациясига хос бўлган “митти колонна”ларнинг Хараппа маданияти ёдгорликларида тарқалиши»** деб аталади. Окс цивилизацияси моддий маданиятининг бетакрор ашёларидан бири «митти колонна» номи билан адабиётларга кирган, аммо вазифаси ноаниқ қолаётган археология предметиدير. Улар ҳар хил рангдаги мрамор, гипс, хлорид каби юмшоқ таркибли тошлардан ясалган бўлиб, баландлиги 18-37 см атрофида. Хараппа маданияти ёдгорликларидан жами 4 та шундай археология артефактлари аниқланган бўлиб, 3 таси Кветти, биттаси Кулли ёдгорлигида қайд этилган³⁵. Улар бутун кўриниши, кўлами,

³³Mackay E. Early Indus civilizations. London, 1948. – P. 129; Winckelmann, S. «Intercultural Relations between Iran, the Murghabo-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the fields of seals», East and West, 2000. vol. 50. – P. 43-95.

³⁴Mackay E. Early Indus civilizations. London, 1948. – P. 129; Jarrige J.-F. «Le complexe culturel de Mehrgarh (Période VIII) et de Sibri. Le “Trésor” de Quetta», Les cités oubliées de l’Indus. Archéologie du Pakistan, Catalogue de l’exposition du Musée National des Arts Asiatiques Guimet. – Paris, 1988. Association Française d’Action Artistique: – Pp. 111-128. № 153-154; Pottier M.-H., Matériel funéraire de la Bactriane méridionale de l’âge du Bronze, – Paris, 1984. Recherche sur les civilisations, «Mémoire» № 36.

³⁵Aurel Stein, Sir; B S Guha; R B Seymour Sewell. An archaeological tour in Gedrosia. Calcutta: Govt. of India, Central Publication Branch, 1931. Memoirs of the Archaeological Survey of India no 43; Jarrige, J.-F. et Usman

ясалган ашёсига кўра Окс цивилизациясининг «митти колонна» ларини такрорлайди.

Мазкур предмет Окс цивилизациясининг деярли барча ёдгорликларида учрайди³⁶. Хронологик жиҳатдан Копетдоғ ён бағрида жойлашган, энеолит даврига оид Карадепе, Намозгоҳ III, Шахри Сўхтанинг II даври³⁷, Мергарнинг VI даври, Олтиндепе ёдгорликларида учраган. Бронза даврига келиб Туренгтепа, Шахри Сўхта, Тепа Хиссар, Шахдод, Суза шаҳар харобаларида қайд этилган³⁸. Жарқўтон ёдгорлигида оҳақтошдан ясалган варианты кенг тарқалган³⁹.

В.И. Сарияниди ушбу предметлар «хаома ичимлигини тайёрлашда, яъни хом ўсимлигини янчишда ишлатилган» деган фикрга келган бўлса⁴⁰, К Абдуллаев Қадимги Шарқ глиптикаси ва тасвирий санъат асарларида ифодаланган митти калонналар тасвирлари асосида диний маросимларда «қурбонлик» қўйиладиган таглик деб ҳисоблайди. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам митти калонна периметри бўйлаб ўтказилган чуқурчага эътибор бермаган ва ишончсиз хулосага келган.

Келтириб ўтганимиздек, мазкур предметнинг географиясига эътибор берадиган бўлсак, улар Эрон (Туренгтепа, Шахри Сўхта, Тепа Хиссар, Шахдод, Суза) ва унга қўшни бўлган Балужистон (Кветта, Кулли) ҳудудларида тарқалган. Хараппа маданиятининг энг асосий ва марказий ёдгорликларида мазкур археологик артефакт учрамайди. Кўпчиллик олимларнинг мазкур предметни илохий, диний эътиқод билан боғлаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, худди шу предмет асосида Окс цивилизацияси аҳолисининг жанубга нафақат маъданий балки диний таъсир доирасини ҳам белгилаш мумкин.

Мазкур бобнинг бешинчи параграфи **«Хараппа маданиятлари ёдгорликларидан топилган Окс цивилизациясига хос муҳрлар»** деб аталади. Илмий нашрларда Сополли маданияти муҳрлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган⁴¹. Уларда муҳрларнинг маҳаллий вариантлари билан бир қаторда Қадимги Шарқ цивилизация марказларининг Сополли маданияти глиптикасига таъсири масалалари ёритилганлигининг гувоҳи бўламыз. Хараппа маданияти ёдгорликларидан Сополли маданияти маҳаллий вариантларига хос бўлган 12 та муҳр ва туғнагичлар аниқланди.

Hassan M. «Funerary complex in Baluchistan at the end of the third millenium in the light of recent discoveries at Mehrgarh and Quetta», South Asian Archaeology, 1989, fig. 4 et 5.

³⁶Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ, 2009. – 120 с.

³⁷Chakrabarti D. K. The external trade of Indus Civilization. New Dehli. Munshiram Manoharlal Publishers, 1990, –P. 72.

³⁸Francfort H.-P. Fouilles de Shortughai: recherches sur l'Asie centrale protohistorique. – Paris, Diffusion de Boccard, 1989, – P. 363.

³⁹Шайдуллаев Ш.Б., Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан. ИМКУ, Вып.30, – Самарканд, 1999. – С. 25.

⁴⁰Шайдуллаев Ш.Б., Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан. ИМКУ, Вып.30, – Самарканд, 1999. – С. 25.

⁴¹Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993; Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018.

Уларнинг тўрттаси Шахи⁴², учтаси Мергар⁴³, иккитадан Мехи⁴⁴ ва Жукар⁴⁵ ёдгорликларида ҳамда Чанху Даро⁴⁶ ёдгорлигида битта муҳр қайд этилган. Шахи ва Мехи ёдгорликларидан топилган, думалоқ шаклли муҳрлар шакли, ясаиш технологияси, юзасидаги геометрик тасвирлари ва кўламлари билан Сополлитепа муҳрларидан умуман фарқ қилмайди⁴⁷. Худди шундай, Мехи ва Мергардан топилган, оқ гипсдан тайёрланган муҳрларни ҳам Сополлитепа муҳрлари деб аташ мумкин⁴⁸. Чанху Даро, Мехи ва Мергар ёдгорликларидан топилган, бронзадан ясалган тўғнагич-муҳрлар ҳам ўз аналогиясини Сополлитепадан топади⁴⁹.

Бизга маълумки, Хараппа маданияти муҳрлари ва уларда ифодаланган глиптик тасвирлар Қадимги Ҳинд цивилизацияси аҳолисининг мифологик тушунчалари ва фалсафий дунёқарашларини ўзида тўлиқ намоён этган⁵⁰. Уларнинг энг характерли жиҳатларидан бири Хараппа пиктографияси ҳамда қадимги Ҳинд халқлари мифологияси уйғунлашган⁵¹. Шунга қарамай, Қадимги Ҳинд глиптикасида Бақтрия маданиятига ҳам жой берилганлигининг ашёвий далилидир.

Иккинчи бобнинг якунловчи параграфи «Хараппа маданиятлари ёдгорликларидан топилган Сополли маданиятига хос бўлган сурмадон ва ўсмадонлар»га бағишланган. Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган сурмадонлар Э.Маскей, А.Стейн, Ж.Маршалл ва Ж.Жарриж тадқиқотлари натижасида фанга кирган. Эслаб ўтилган тадқиқотчиларнинг учтаси Сополли маданияти кашф этилгунга қадар оламдан ўтган бўлса, Ж.Жарриж ўз илмий фаолиятини кўпроқ неолит, энеолит ва илк бронза даврларига бағишлаганлиги сабабли мазкур археологик артефакт таққослаш ишларидан четда қолиб кетган.

Сополдан ясалган сурмадонлар Хараппа маданиятининг Хараппа⁵², Чанху Даро⁵³ ва Суткаген-Дор⁵⁴, металдан ясалганлари эса Мохенжо Даро⁵⁵, Мергар⁵⁶ ва Мўғул⁵⁷ ёдгорликларидан топилган. Демак, Сополли маданияти

⁴²Baghestani S., *Metallene Compartment siegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China*, Leidorf, Rahden. 1997.

⁴³Aurel Stein, Sir; B S Guha; R B Seymour Sewell. *An archaeological tour in Gedrosia*. Calcutta: Govt. of India, Central Publication Branch, 1931. *Memoirs of the Archaeological Survey of India* no 43.

⁴⁴Santoni M. «Aspects matériels des cultures de Sibri et de Mehrgarh VIII (plaine de Kachi, Baluchistan, Pakistan) à la fin du troisième et au début du deuxième millénaires», in *L'Asiecentrale et ses rapports avec les civilisations orientales des origines à l'Age du Fer*, I. J.-C. Gardin (dir.), – Paris, 1988, – Pp. 135-141.

⁴⁵Mackay E. *Chanhu-daro Excavations: 1935-36*, New Haven, 1943.

⁴⁶Jarrige, J.-F. «La période VIII et les fouilles de Sibri», in Jarrige et al. 1995.

⁴⁷Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана... Табл. XLVI, 9.

⁴⁸Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана... Табл. XLV, 26.

⁴⁹Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана... Табл. XL.

⁵⁰Parpola A. *New Correspondances between Harappan and Eastern Glyptic Art*. *South Asian archaeology*. Cambridge, 1981, – Pp. 176-195.

⁵¹Chakrabarti D. K. *The external trade of Indus Civilization*, New Dehli, Munshiram Manoharlal Publishers, 1990.

⁵²Mackay E. *Early Indus civilizations*. London, 1948. – P. 129.

⁵³Mackay E. *Chanhu-daro Excavations: 1935-36*, New Haven, 1943.

⁵⁴Aurel Stein, Sir; B S Guha; R B Seymour Sewell. *An archaeological tour in Gedrosia*. Calcutta: Govt. of India, Central Publication Branch, 1931. *Memoirs of the Archaeological Survey of India* no 43.

⁵⁵Marshall J. *Mohenjo-daro and the Indus civilization*, 3 vol., Londres, 1931.

⁵⁶Jarrige C., Jarrige J.-F., Meadow R. H. et Quivron G. *Mehrgarh fields report 1974-1985. From Neolithic Times to the Indus Civilization: the reports of eleven seasons of excavations in Kachi district, Balochistan by the french archaeological mission in Pakistan*, Karachi, Golden Graphics Limited. 1995.

сурмадонлари Хараппа маданиятининг деярли барча ҳудудлари ва хаттоки энг йирик шаҳарларигача тарқалган.

III-боб «Хараппа ва Окс цивилизация марказлари маданий алоқаларининг тарихий талқини» деб аталиб унинг биринчи параграфи Окс ва Хараппа цивилизациялари алоқаларининг хусусиятларига бағишланган.

Ўрганилаётган мавзу бўйича чоп этилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Бактрия алоқалари турли хил характерда, жумладан оккупация, экспансия, колонизация, ассимиляция, этнопсихологик жараён, халқлар кўчиши, маданий таъсир, савдо ҳамда маданий алоқалар кўринишларида намоён бўлган⁵⁸. Демак, тадқиқотчилар халқлар ва маданиятлар ўртасида қандай алоқа турлари мавжуд бўлса, ҳаммаси Қадимги Ҳиндистон ва Бактрия ўртасида бўлган деган фикрга келишган.

Диссертацияда А.-П. Франкфортнинг Бактрияни Хараппа маданиятининг ложуварт маконини эгаллаш борасидаги колонияси деган фикри инкор этилди⁵⁹, негаки ягона Шўртўқай ёдгорлиги мисолида бу фикрни қабул қилиб бўлмайди.

Худди шундай, тадқиқотчиларнинг Қадимги Ҳиндистон ва Бактрия ўртасидаги алоқалари экспансия характерида бўлган деган фикрларига ҳам асос йўқ. Маълумки, экспансиянинг худудий, иқтисодий, сиёсий кўринишлари бўлиб, янги ҳудудларни, бошқа мамлакатларнинг бозорларини эгаллаш, таъсир доирасини кенгайтириш йўлидаги ҳаракатларидир. Алоқалар экспансия характерида бўлганда, Хараппа маданиятига хос бўлган хунармандчилик ва бошқа ишлаб чиқариш буюмлари Бактрия бозорларини эгаллаган бўлар эди, Сополли ва Даштли моддий маданиятида бу ҳолат кузатилмайди.

Фикримизча, Хараппа маданиятининг Бактрияга оккупацияси ибораси тадқиқотчилар томонидан умуман нотўғри ишлатилган, негаки уруш олиб бораётган томонлар қуролли кучларининг душман ҳудудини вақтинча эгаллаб олиши оккупациядир⁶⁰. Бронза даврида бу икки тарихий ҳудуд аҳолисининг уруш олиб борганлиги хусусида ҳам ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

Тадқиқотчилар Хараппа ва Сополли маданиятлари аҳолисининг ассимиляцияси ҳақида ҳам фикрлар айтилган. Маълумки, ассимиляциянинг этнографик маъноси бир халқнинг ўз тили, маданияти, урф-одатларини

⁵⁷Stein A. An archaeological exploration in Waziristan and Northern Baluchistan. Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India, 1929. №37.

⁵⁸Бэшэм А., Чудо, которая была Индия, – М., 1977; Гийсов Т.Ф. Қадимги Ҳиндистон тарихи, – Т., 2000; Гусева Н.Р. Индия в зеркале веков. – М.: Вече, 2002. – 448 с; Древняя Индия: Страна чудес / Пер. с англ. И. Опимах. – М., 1997. – 168 с; Индия и Центральная Азия (доисламский период), – Т., 2000; Косамби Д., Культура цивилизация древней Индии. Исторический очерк, – М., 1968; Frangfort Н.-Р. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. – Paris, 1984. V. I, II; Gupta S.P. Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Borderlands. Vol. II. – Delhi, 1979. – P.167; Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., – С.Пб. 2009. – 557 с.

